



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 26 ноябрь, № 231 (5905)

Сешанба

## Ўзбекистон — Туркменистон: Дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 25 ноябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.



Ўзбекистон ва Туркменистон халқларини умумий тарих, муштарак маданият ва қадриятлар, ўхшаш тил ва урф-одатлар ўзаро боғлаб туради. Тақдир синовлари даврида бир-бирига елкадош бўлиб, саодатли дамларда қувончини баҳам кўриб келган ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдо-сотик қилиб келади, бир дарёдан сув ичади. Аждодларимизнинг илмий-маънавий ва адабий мероси халқларимизнинг умумий мулки саналади. Ишонч билан айтиш мумкинки, Туркменистонда Алишер Навоий, Ўзбекистонда Махтумқули асарлари кириб бормаган хонадон дегарли йўқ. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар мустақиллик йилларида янги, сифат жиҳатдан янада юқори босқичга кўтарилди. Бугун Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлиги 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида жадал ривожланмоқда. Мунтазам равишда олий даражадаги учрашувлар ўтказиб келинаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Ўзбекистон ва Туркменистон ҳамкорлиги 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида жадал ривожланмоқда. Мунтазам равишда олий даражадаги учрашувлар ўтказиб келинаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Олий мартабали меҳмонни расмий қутиб олиш маросимидан кейин Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедовнинг яккама-якка суҳбатларида Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларига доир кенг қўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрафлича фикр алмашилди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, Туркменистон раҳбарининг ушбу ташрифи ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик, яхши кўшничлик тамойилларига асосланган икки томонлама муносабатларга янги суръат бахш этиши таъкидланди. Ўзбекистон ва Туркменистон БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида изчил ҳамкорлик қилиб келаётгани, мамлакатларимизнинг минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммоларга ёндашувлари, қарашлари ўхшаш ва яқин экани қайд этилди. Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик каби таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка доир масалаларни ҳам муҳокама этдилар.

Марказий Осиёда сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари юзасидан атрафлича фикр алмашилди. Сув-энергетика соҳасига оид масалалар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёр ва тамойиллари асосида, минтақадарги барча давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро ташкилотлар иштирокида кўриб чиқилиши зарурлиги таъкидланди. Трансчегаравий дарёларда гидроэнергетика иншоотлари қуриш масалалари БМТнинг трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланишга оид конвенциялари талабларига риоя қилган ҳолда ёндашиш лозимлиги қайд этилди. Президентлар икки томонлама ҳамкорлик стратегияси ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан ўзаро келишилган позиция ишлаб чиқиш мақсадида олий даражадаги учрашувларни мунтазам давом эттиришга келишиб олдилар. Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов музокарани Ўзбекистон ва Туркменистон расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар. Икки мамлакат ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва сармоёвий ҳамкорлики олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларга мувофиқ изчил ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратади. Кейинги беш йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 баробардан зиёдёр ўсиб, 2012 йил якунига қўра 450 миллион АКШ долларидан кўпроқни ташкил этди. Ўзбекистоннинг

Туркменистонга экспорти минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, полиз маҳсулотлари, электр ва механик ускуналар, транспорт воситалари, қора ва рангли металлдан ишланган буюмлар ва турли соҳадаги хизмат кўрсатишдан иборат. Туркменистондан юртимизга нефть маҳсулотлари, пропилен полимерлари, сульфат кислота каби товарлар келтирилади. Ўзбекистон томони 2012 йилда имзоланган ўзаро етказиб бериш тўғрисидаги ҳуқуматлараро битим ҳамда 2013 — 2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ икки томонлама савдо ҳажмининг янада ошириш ва уни диверсификация қилиш мақсадида мувофиқ эканини таъкидлади. Хусусан, Ўзбекистон қорхоналари Туркменистон бозорида узоқ муддатли асосда ва кенг қўламли машинасозлик, электротехника ва кимё саноти маҳсулотлари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, замонавий энгил ва юк ташувчи автомобиллар, автобуслар, қишлоқ хўжалиги техникаси, қайта ишланган полиз маҳсулотлари етказиб беришга тайёр. Иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон ҳуқуматлараро комиссияси самарали механизм вазифасини ўтамоқда. Жорий йил 11-12 ноябрь кунлари Ашхободда унинг тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Анжуманда таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Туркменистон ўзаро савдо ва сармоё ҳажмининг ошириш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг

қўшни мамлакат бозоридаги ўрнини кенгайтириш учун барча имкониятларга эга. Бизнес-форумлар ташкил қилиш, миллий маҳсулот ва хизматлар кўргазмаларини ўтказиш ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Музокарада агросаноат мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳуқуматлараро битимни тўлиқ амалга ошириш зарурлиги қайд этилди. Бу битим қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб бериш, пахтачилик ва галлачилик, ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоялаш, селекция, кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришни назарда тутди. Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Бу борада 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндлари Ўзбекистонда ва Туркменистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестивал ва кўриклар, кўргазма ва форумларда фаол иштирок этмоқда. 2009 йилги “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида туркменистонлик хонанда Лале Бегназарова Гран-при соҳиби бўлган эди, 2011 йилдаги фестивалда эса “Галкинши” ижодий гуруҳи учинчи ўринни эгаллади. Олий даражадаги учрашувлар доирасида бир неча марта Ўзбекистон ва Туркменистон санъаткорларининг кўшма концертлари ўтказилди. Ўзбекистон — Туркменистон халқларининг дўстлик фестивали деб аталган бу анжуманлар икки мамлакат маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. 2013 йилнинг август ойида Ўзбекистон ва Туркменистон бундан бунён ҳам икки мамлакатда ўтказиладиган фестиваль, концерт, кўрик-танлов ва кўргазмалар, шунингдек, спорт муسابакалари ҳақида мунтазам равишда маълумот алмашиб борилади ҳамда маданият ва санъат намояндalarининг, спортчиларнинг фаол иштироки таъминланади. Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик юксалмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва экспериментал биология институти вакиллари туркменистонлик ҳамкасблари билан Туркменистон шариотига мос келадиган урулқич қитғит ва дон навларини яратиш борасида ҳамкорлик қилмоқда. Илм-фан вакиллари нефть кимёси соҳасида ҳам кўшма излашувлар олиб бормоқда. Музокарада сайёҳлик соҳасида мамлакатларимиз улкан имкониятларга эга экани таъкидланди. “Буюк Ипак йўли” сайёҳлик лойиҳаси доирасида комбинациялашган савдо-туризм ташкил қилиш орқали бу соҳадаги алоқаларни фаоллаштиришга келишиб олинди. Бошқача айтганда, Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркменистон, Туркменистонга борган сайёҳ Ўзбекистон орқали қайтиб кетишини йўлга қўйиш мумкин. Шу тариқа миллий авиакомпанияларнинг ҳамкорли-

ғини кенгайтириш учун ҳам яхши замин яратилди. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ҳуқуматлари ўртасида Маданий-гуманитар соҳада 2014 — 2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Жиний йўл билан орттирилган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Шунингдек, икки мамлакатнинг кимё саноти ва туризм компаниялари, ахборот агентликлари, товар-хом ашё биржалари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов музокаралар очик, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар. Ўзаро муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида манфаатлар ва қарашларнинг муштараклиги, шунингдек, муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан позиция ва ёндашувлар ўхшаш ва яқинлиги яна бир қарра ўз тасдиғини топгани қайд этилди. Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов пойтахтимиздаги Мустиққил майдонда ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустиққил ва эзгулик монументи пойга гул қўйди. Президентимиз раҳамоллигида мамлакатимизнинг бош майдонидан амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишларига юксак баҳо берди. Президентлар давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилган “Маърифат маркази”ни бориб кўрди. Ушбу мажмуадан ўрин олган Симпозиумлар саройининг кўрқу салобати, меъморий ечимини, йирик илмий анжуманлар ва халқаро симпозиумлар ўтказиш учун яратилган замонавий шарт-шароитлар, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг бой ахборот-кутубхона фонди, бу ерга келган ёш йилгит-қизларнинг юксак интеллектуал салоҳияти олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди. Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОВЕВ,  
Анвар САМАДОВ,  
ЎЗА мухбирлари.

Сарвар ҲАМИДОВ олган сурат.

## Инновацион тараққиётнинг истиқболли йўналиши



Тошкентда ташкил этилган “Кўёш энергияси технологияларини ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари” мавзусидаги Осиё кўёш энергияси форумининг олтинчи йиғилиши ўз иштини якунлади. Марказий Осиё мамлакатлари ичида илк бор Ўзбекистон мезбонлик қилган мазкур нуфузли анжуман, қутлганидек, муваффақиятли ва

самарали ўтди. Унда Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатлари ҳуқуматлари, халқаро молия институтлари, соҳага ихтисослаштирилган компания ва корпорациялар, илмий тадқиқот марказларидан қарийб 300 нафар мутахассис, олимлар ва экспертлар иштирок этгани, яппи мажлисларда ғоятда долзарб аҳамиятга эга бўлган масалалар муҳокама қилиниб, яқил хулосаларга келингани ана шундай дейишимизга асос бўла олади. Президент Ислам Каримовнинг форум йиғилишида сўзлаган нутқи халқаро

анжуман нуфузини янада ошириб, айниқса, чет эллик қатнашчиларда илқ таассурот ва катта амалий қизиқиш уйғотди. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ўз нутқида цивилизациялар тарихида энг самарали энергия манбаларини топиш доимо алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келганини таъкидлар экан, инсониятнинг энергияга ортиб бораётган эҳтиёжини таъминлаш йўлида қўрилаётган чора-тадбирлар, уларнинг аҳамияти ҳақида батафсил тўхталиб, жумладан, шундай деди: “Аммо шу борада ҳеч

қачон эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган шундай муҳим бир омил борки, у ҳам бўлса, қазиб олинаётган ёқилғидан фойдаланиш мисли қўрилмаган даражада кенгайиб бораётгани атраф-муҳитга сезиларли даражада зарар етказаятгани, аҳолининг саломатлиги ва ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатаётгани ва келажақда глобал миқёсда барқарор ривожланишга ҳавф солаётгани билан боғлиқ. Юзага келган вазиятдан чиқиш йўлидан бири, бу, аввало, қайта тикланадиган энергиянинг энг самарали ва истиқболли манбаи сифатида кўёш энергетикасини ривожлантириш лойиҳаларига инвестиция йўналтиришни янада кўпайтиришдан иборат”.

(Давоми 2-бетда).

## ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Осиё кўёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишидаги нутқи Тошкентда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси раҳбарларида катта қизиқиш уйғотди. Улар “Жаҳон” ахборот агентлигига берган интервьюларида давлатимиз раҳбари нутқида қайд этилган муқобил энергия манбаларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари ҳамда мазкур жабҳадаги халқаро ҳамкорликнинг истиқболлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

## «Ўзбекистон — кўёш энергиясини қўллаш борасида бой тажрибага эга мамлакат»

Ануmula Гитеш Сарма, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси: — Президент Ислам Каримов томонидан жаҳон иқтисодий инқирозининг сабаблари ва глобал миқёсдаги энергетика вазияти тўғрисида билдирилган фикр-мулоҳазалар жиддий эътибор ҳамда ўрганишга лойиқдир.

Ўзбекистон раҳбарияти энергиянинг муқобил манбалари, хусусан, кўёш энергиясидан фойдаланиш масалалари ва глобал энергетика бозоридаги тенденциялардан нақадар чуқур хабардорлиги менда катта таассурот қолдирди. (Давоми 2-бетда).

# Иновацион тараққиётнинг истиқболли йўналиши

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Маълумки, бугунги кунда қайта тикланадиган энергия манбалари нафақат энергетиканинг нурли истиқболли бўлиши, балки жаҳон иқтисодиёти тараққиётининг лоқомотиғига айланиши башорат қилинмоқда. Чунки унинг қуёш, шамол ва биогаз каби турлари доимий барқарорлиги, иқтисодий жиҳатдан арзонлиги, экологик томондан зарарсизлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Кейинги йилларда қуёш энергиясини ривожлантиришга эътибор кучайтирилаётганининг боиси ҳам шунда.

Халқаро энергетика агентлиги маълумотлари кўра, охириги беш йил мобайнида қуёш энергетикаси соҳасига йўнали-

рилган ялпи инвестициялар ҳажми 520 миллиард АҚШ долларини, жумладан, 2012 йилнинг ўзида 143 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. На тижда мазкур соҳа йил сайин тараққий этиб, ўтган йилда қуёш станциялари томонидан 110 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

Муқобил энергия манбаларини излаб топиш, улардан электр ва иссиқлик энергияси олиш, бунинг учун зарур қурилмалар ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистонда салмоқли тажриба тўпланган. Хорижлик мутахассислар юртимизда ушбу соҳада эришилаётган ютуқлар билан кенг танишиш, шу аснода янги йўналишда ҳамкорлик алоқаларини бо-

лаш имкониятига эга бўлдилар.

Гап шундаки, иштирокчилар форум дастури доирасида дастлаб "Физика-Куёш" илмий-ишлаб чиқариш биришмасининг Катта Куёш пети, Самарқанд қуёш фотоэлектрик станцияси лойиҳасини бориб кўрдилар. Сўнгра Симпозиумлар саройида ташкил этилган қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги замонавий технологиялар ва мамлакатимизнинг бу борадаги ютуқларига бағишланган кўргазма билан танишдилар.

Йиғилишларда ҳам асосий эътибор Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга қаратилиб, жабҳадаги илғор ишланма ва технологияларни Марказий Осиё мамлакатлариغا татбиқ қилиш ҳар томонлама

фойдали эканлиги қайд этилди. Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накао энергияга нисбатан юқори эҳтиёжни экологик тоза ресурслар, хусусан, қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан таъминлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган тизимли ишловларни юқори баҳолади: "Мен Ўзбекистоннинг Президент Ислому Каримов раҳнамолигидаги раҳбариятига энергия самарадорлигини ошириш, шунингдек, қуёш энергетикасини ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни мунтазам қўллаб-қувватлаётгани учун яна бир бор миннатдорлик изҳор этмоқчиман, — деди у. — Зеро, углеводород хом ашёсига бой Ўзбекистонда бундай чора-тадбирларни амалга ошириш биринчилардан бўлиб бошлангани таҳсинга лойиқдир".

Шу билан бирга, форумда сўзга чиққан Ислому тараққиёт банки вице-президенти Бирама Сидибе, Европа Куёш иссиқлик энергияси уюмлари ижрочи директори Марсел Биал, "Solar Technology Advisors" компанияси бош ижрочи директори Йорге Серверт ва бошқалар Ўзбекистонда қуёш энергетикасини ривожлантириш бўйича мақсадли давлат сиёсати амалга оширилаётгани ҳамда амалий чора-тадбирлар кўрилатгани тўғрисида муносабатларни ташкиллади.

Аслида, серкуёш юрти-

миз иқлими қайта тикланувчи энергия ресурсларидан фойдаланиш учун жуда қулай. Бир йилда 320 кундан зиёд офтоб чарақлаб туриши, кўплаб ҳудудларимизда кучли шамол йўллари мавжудлиги, қишлоқ жойларида биогаз олишнинг имконияти катталиги ана шундан далолат беради, албатта. Давлатимиз томонидан бундай табиий манбалардан ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида оқилоланишдан фойдаланиш борасида ҳаётга татбиқ қилинаётган улкан лойиҳалар эса ҳақли равишда ҳамнинг ҳавасини келтирапти. Масалан, яқин йиллар ичиде, асосан, узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги 1300 та умумтаълим мактаби ва касб-хунар коллежини таъмирлаш тарихида қуёш коллекторлари билан таъминлаш, 600 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктларига фотоэлектрик панеллар ўрнатиш режалаштирилган.

Форум ялпи мажлисла-рида сўзга чиққан мутахассис ва экспертлар юртимизда қуёш энергетикасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган шу каби амалий чора-тадбирларга эътибор қаратдилар. Шунингдек, улар соҳада қўлланилаётган технологияларни янада такомиллаштириш, қайта тикланадиган энергетика тармоғидаги тавақалликларни стандартлаштириш ва уларни стратегик бошқариш масалаларини муҳокама этиб, ўзаро тажриба ва фикр алмашдилар.

Яқунда Ўзбекистоннинг қуёш энергияси соҳасидаги илғор технологиялари бутун Осиё минтақасида муқобил энергияни сифат жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилиши муқаррарлиги қайд этилди.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



## 8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

Чирчиқ ҳарбий суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишлаб илмий-амалий анжуман ўтказилди.

## Инсон ҳуқуқи ва эркинликлари кафолати

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Конституциявий суд судьялари, тегишли вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Эътироф этилганидек, мамлакатимиз кўлга киритаётган улкан ютуқлар ва муваффақиятларга, шубҳасиз, Асосий Қонунимиз ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Конституциямиз хозирги пайтда юртимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қонуни устувор бўлган кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш ва пиروвардида инсон ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш имконини бермоқда. Бунинг Конституция талабларидан келиб чиққан ҳолда, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг бугунги самараси мисолида яққол кўриш мумкин. Хусусан, ўтган йилларда суд ишларини юритишнинг процес-

суал тартибини соддалаштириш, жинсий ҳазони либераллаштириш ва одил судлов ҳимосидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар рўёбга чиқарилди.

Тадбирда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида тизимда амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича сўз борди. "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жинсий процессида "Хабас корпус" институтини қўллаш амалиётини кенгайтиришни таъкидланди.

Анжуман иштирокчилари давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижти-

моий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа ислохотларида янги қадам бўлганлигини қайд этишди. Зеро, ушбу ҳужжатда судьяликка биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази, Олий суд ва Олий ҳўжалик судида тайёргарлик ва стажировка ўташи, шунингдек, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш кўзда тутилган бўлиб, бу борадаги саъй-ҳаракатлар бугун ўз самарасини бераётир.

Тадбирда ҳарбий судлар томонидан инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда унинг қонуний манфаатларини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, истигболдаги устувор вазифалар атрофича таҳлил қилинди.

Зокир ХУДОШУҚУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш

доимий масъулият талаб қиладиган вазифадир

Мамлакатимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2009 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни қабул қилингани соҳадаги муносабатларни тартибга солишда муҳим босқични бошлаб берди.

### ҚАРОР ВА ИЖРО

Мазкур ҳужжат ёнғин хавфсизлиги тизимини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимлар малакасини ошириш, замонавий техника ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шу асосда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари, уй-йўқон фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, юз бериши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда алоҳида аҳамият касб этаётир.

Қонунда ёнғин хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилиши таъминловчи ваколатли органнинг қолверса, давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки, ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқи ва мажбуриятлари ҳам кўрсатиб ўтилган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида ҳар йили республикамиз миқёсида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилаётгани ижобий самараларини бермоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган ўн ойида содир бўлган ёнғинларда фуқароларнинг тан жароҳати олиш ҳолатлари 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 5,7 фоизга, ҳалок бўлиш ҳолатлари эса 24,8 фоизга камайишига эришилди.

"Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"нинг навбатдагиси 20 ноябрдан бошланди ва у 20 декабрда давом

жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кўрилган тайёргарликни яна бир қарра назоратдан ўтказиб, ҳар бир объект бўйича ўз хулосаларини билдираятилар. Камчиликлар аниқланганда, уни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилади.

Шу ўринда фаолиятимиз давоминда учрайдиган баъзи ҳолатлар хусусида алоҳида айтиб ўтишни истардим. Айрим мавзеладаги кўп қаватли уйлар орасидаги йўлакларга ўзбошимчалик билан сунъий тўсиқлар ўрнатилгани, турар-жойлар атрофида баланд панжаралар ва қўшимча бинолар қуриб олингани кузатилади. Тунги вақтда эса шахсий автомобиль эгалари ўз транспорт воситаларини тартибсиз ҳолда саклашди. Булар ёнғин ўчириш экипажлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Янги қақирилган манзилга етиб бориш вақти чўзилди ва натижада "тилсиз ёв" қамраб оладиган ҳудуднинг кенгайиб, ишнот ва мол-мулкларга зиён етиш, уларни бой бериш эҳтимоли ошди. Шунингдек, ёнғин жойидан инсонларни қутқаришда фойдаланиладиган автотранспортларни ўрнатилганда юзага келадиган муаммо ҳам муҳим оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Фуқароларимиздан масалан, ана шу жиҳатларни эътиборга олишларини сўраган бўлардик. Қолаверса, маҳалла фаоллари ҳам бу борадаги тарғибот, тушунтириш ишларига яқиндан кўмаклашишга эрга жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этиш, келиб чиқиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш доимий масъулият талаб қиладиган вазифадир. Шундай экан, ана шу масъулиятни дилдан хис қилиб, сиз нафақат давлат ва шахсий мол-мулкнингизни асраб қолган, балки яқинларингиз ҳамда фарзандларингиз хавфсизлигини ҳам таъминлаган бўласиз.

Дилмурод ВАЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ бўлим бошлиғи, подполковник.



Хасан ПАЙДОВ олган сурат.

## «Ўзбекистон — қуёш энергиясини қўллаш борасида бой тажрибага эга мамлакат»

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўзбекистон — қуёш энергиясини қўллаш борасида бой тажрибага эга мамлакат. Биринчидан, республикада Марказий Осиёда ягона ва илмий ишланмалари хорижда ҳам ўз эътирофини толган "Физика-Куёш" илмий-ишлаб чиқариш биришмасининг илмий-тажриба маркази ташкил этилган. Иккинчидан, Ўзбекистонда бир йилда 320 кундан зиёд қуёшли кун бўлиши мамлакат учун қайта тикланадиган энергия манбалариغا қийинчиликларсиз ўтиш имконини яратди.

Экологик жиҳатдан тоза энергия олиш бўйича технологияларнинг ҳар томонлама тараққиётини назарда тутилганда, Ўзбекистон ҳукумати томонидан бу йўналишда ташланаётган қадамлар ва амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар замон талабларига тўла мос келиши кундек равшан.

Таъкидлаш жоизки, юртингизда қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришга барча шарт-шароит мавжуд. Юқоқ малакали мутахассислар, мазкур соҳага давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдам, қулай иқлим шароитлари ва салмоқли илмий замин бунинг яққол далилидир. Шу маънода, бўлиб ўтган форум ушбу жабҳада янада юқорилик даражада тадқиқотлар ўтказиш ва тажриба-саноат ишланмаларини давом эттириш учун кенг имконият яратди.

### Ли Ук-хен, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Жаҳон ҳамжамияти энергетика муаммолари ва ўзгаришлар билан тўқнаш келмоқда, қуёш энергияси эса ривожлантиришимиз лозим бўлган битмас-туганмас энергия манбаидир. Шу сабабли мазкур анжумани Осиё минтақасида муқобил энергетикани ривожлантиришнинг энг самарали усулларини муҳокама қилиш учун қулай бўлган майдон, деб ҳисоблайман.

Фикримча, форум йиғилишини ўтказиш жойи сифатида айнан Тошкент танлангани бежиз эмас, зеро, Ўзбекистон бу соҳада салмоқли салоҳиятга эга бўлиб, мамлакатингизда тадқиқотлар ўтказиш ҳамда янги технологиялар ва лойиҳаларни ривожлантириш учун илмий замин мавжуд.

### Риаз Хуссан Бухари, Покистон Ислому Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Осиё қуёш энергияси форумининг йиғилиши ва унда Президент Ислому Каримовнинг сўзлаган нутқи менда катта таассурот қолдирди. Давлатингиз раҳбари республикада қуёш энергиясини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилган ҳамда ҳаётга татбиқ этилаётган вазифаларни теран таҳлил қилиб берди.

Табиий ресурслар тобора камайиб бораётган бир шароитда бутун дунёда муқобил энергия манбаларига нисбатан қизиқиш ортмоқда. Ушбу тадбир Ўзбекистон қуёш энергиясидан фойдаланишнинг истиқболга эга эканлигини ва шу сабабли сўнги йилларда мамлакат раҳбарияти мазкур масалага жиддий эътибор қаратаётганини кўрсатади.

### Абдурахмон Ал-Шайх, Саудия Арабистони Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Мен Президент Ислому Каримовнинг нутқини зўр қизиқиш билан тингладим ва ўзим учун кўпгина фойдали маълумотларни олдим.

Шуни қайд этиш жоизки, Саудия Арабистонида бу йўналишда етмишга яқин илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётир. Биз ҳам қуёш энергияси технологияларини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларни рағбатлантиришдан манфаатдоримиз. Мамлакатимиз муқобил энергия манбаларини ўзлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш ва иқлим ўзгаришининг олдини олишда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёрдир. Мазкур анжуман бизнинг ишончимизни оқлагани баробарида, Ўзбекистонда ушбу тармоқ жадаллик билан ҳамда тўғри йўналишда ривожланаётганини намоён этди.

### Жорж Крол, Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Президент Ислому Каримовнинг форум йиғилишидаги нутқи ўзининг прагматиклиги ва изчиллиги билан ажралиб турди. Ўзбекистон раҳбарининг қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳамда жойида ва глобал даражада кечи-

ши лозимлиги тўғрисидаги фикрлари бугунги воқеликка тўла мос келади. Шу маънода, мен Ислому Каримовнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ҳал этиш йўлларида бири иқтисодиётнинг турли жабҳаларида илғор ва самарадор технологиялар асосида қуёш энергиясидан унумли фойдаланиш мумкинлиги тўғрисидаги мулоҳазаларига қўшилман.

Ўзбекистонда қуёш энергиясини амалда қўллаш борасида салмоқли тажриба тўпланган бўлиб, бу мамлакатни мазкур соҳада илғор усулларни экспериментал равишда жорий қилиши бўйича майдонга айланган учун асос сифатида хизмат қилиши баробарида, миллий иқтисодиётга ҳам ижобий таъсир кўрсатишига шубҳа йўқ.

АҚШ қуёш энергиясини санатда қўллаш жабҳасида юқори технологик ишланмаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир. Шунингдек, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида қўшма тадқиқотлар ўтказишда ҳам катта истиқболлар мавжуд.

Бугун Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш бўйича ишлар жадал олиб боришмоқдаки, бу ҳар қандай давлатнинг энг устувор мақсадлари ва энергетика хавфсизлигига тўла мос келади. Ўзбекистон замини ҳамма даврларда жаҳон тамаддуни, илм-фани ва равнақи ганжинисига бебаҳо хисса қўшган Ибн Сино ва Мирзо Улуғбек сингари буюқ алломаларнинг Ватани бўлиб келган. Ушбу омил ҳам муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда мазкур тармоқда ўз техникавий-технологик ишлаб чиқариш мажмуасини жорий этишда муҳим аҳамиятга эга.

### Юрий Савченко, Украинаниннг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Мен ва ҳамкасбларим Президент Ислому Каримовнинг нутқини катта қизиқиш билан тингладик. Дарҳақиқат, давлатнинг эл раҳбари билдирган фикр-мулоҳазалар замонавий дунё воқелигига мувофиқдир. Яна бир муҳим масала сайёра-мизнинг экологик муаммолари

сабабли қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришнинг долзарблиги билан боғлиқ. Зеро, кўплаб табиий офатлар энергия манбаларидан ҳаддан зиёд ва нотўғри фойдаланиш, ёқилги ёқиш ҳамда ҳаво ифлосланиши тўғрисида келиб чиқади. Қуёш энергиясини қўллаш эса келажакда ана шундай муаммоларни ҳал қилишнинг мақбул йўли ҳисобланади.

Биз Ўзбекистонда ушбу йўналишда ҳаётга татбиқ қилинаётган чора-тадбирлар, жумладан, янги ишлаб чиқариш мажмуалари, энергетика қувватларининг ташкил этилиши ҳақидаги маълумотлар билан танишдик. Бу, ўз навбатида, мамлакатда аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган сиёсат олиб борилаётганидан далолат бергани ҳолда, минтақа ва дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун ижобий намуна сифатида хизмат қилади.

Келажакда мамлакатларимиз мазкур йўналишда самарали ҳамкорликни йўлга қўйиши шубҳасиз. Ушбу соҳада шерикликнинг илк қадамлари ташланаётгани кувонарлидир. Жумладан, қайта тикланадиган энергия манбалари соҳасида фаолият кўрсатадиган украиналик мутахассислар форумда кутарилган масалалар юзасидан Ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ўзаро учрашувлар ўтказдилар.

### Фумихико Като, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Мен Осиё тараққиёт банки ҳамда Ўзбекистон раҳбариятининг Тошкентда Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишини ўтказиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлайман. Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон қуёш энергиясини ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга. Республиканинг бу соҳада муайян ютуқларга эришти. Хусусан, Самарқандда 100 мегаватт қувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш лойиҳасини алоҳида таъкидлаш лозим. Агар қуёш фотоэлектр станцияларининг ўртача қуввати 1 мегаваттнинг ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсақ, мазкур лойиҳа нақадар улкан кўлама ва аҳамиятга эга эканлигини англашимиз мумкин.

«Жаҳон» АА.

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон кўплаб халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Улар орасида ЮНЕСКО алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу ташкилот ҳақида Президентимиз шундай таъриф берган эди: "ЮНЕСКО — халқаро ташкилот сифатида бугунги кунда илм-фан, маданият ва маорифнинг миллий тизимларини бирлаштирган ҳолда, айна пайтда уларни жаҳон интеллектуал тараққиётининг интеграция тажрибаси билан бойитаятган, халқларни бутун инсониятнинг жуда бой маънавий мероси билан ошно қилаётган кўприкка айланган".

Мухбиримиз ўзаро муносабатларнинг амалдаги ифодалари ҳақида ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Криста ПИККАТ хоним билан суҳбатлашди.

Криста ПИККАТ:

# «Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлиги тобора кенгайиб бормоқда»

— Яқинда ЮНЕСКО ташкил этилганига 68 йил тўлди. Ташкилотни тузишдан мақсад ва унинг фаолият йўналиши ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— ЮНЕСКОга 1945 йил 16 ноябрь кунини асос солинган бўлиб, унинг Низоми 1946 йилнинг 4 ноябрдан расман кучга кирган. Бош қароргоҳи Париж шаҳрида жойлашган ташкилот ўшандан буюн БМТнинг иктисослаштирилган тузилмаси сифатида таълим, фан, маданият, ахборот соҳаларини ривожлантириш, халқлар ўртасидаги маданий ҳамда маърифий алоқаларни мустаҳкамлаш орқали дунёда тинчлик ва оқилолликни қарор топтиришга ҳисса қўшиб келяпти.

Хозирги кунда ЮНЕСКОга 193 та давлат аъзо. Улар билан изчил ҳамкорлик умумбашарий қадриятлар ва ҳар бир цивилизация ҳақида маданият уюқларига ҳурмат асосида йўлга қўйилган. Шу жумладан, Ўзбекистон билан ўзаро алоқалар ҳам кенг қулоч ёзиб бораётди.

— Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлигининг тарихи ҳамда самаралари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Мамлакатингиз 1993 йилда ЮНЕСКО аъзосига айланган бўлса, 1996 йилда Тошкентда ташкилот ваколатхонаси ташкил этилди.

Йилдан-йилга ўзаро ҳамкорлик самаралари юксалиб бораётганига гувоҳ бўлганман. Юртингиздаги

тарихий обидалар, қадимий шаҳарлар, ёзма ва оғзаки халқ ижодиёти, умуман, ўзбек халқининг бой меросига ҳамда Ўзбекистондаги ислохотлар жараёнига ЮНЕСКОда қизиқиш жуда катта. Муқаддас қадимларни таъмирлаш, аждодлардан қолган бой меросни асраб-авайлаш, уларни чуқур ўрганишга мамлакатингизда юксак эътибор қаратилаётганини алоҳида эътироф этишни истардим.

ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси таълим соҳасини янада такомиллаштириш, маданий ранг-барангликни асраб-авайлаш, илм-фан, ахборот алмашиш жаҳалари раванқини кўлаб-қувватлаш асосида тинчликни янада мустаҳкамлашга эътибор қаратиб келяпти.

Маълумки, бу йил юртингиз ЮНЕСКОга аъзо бўлганининг 20 йиллигини катта ифтихор билан ва кўтаринки кайфиятда нишонладик. Бундай дейишимизга асосларимиз етарли. Чунки ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг фаол аъзоси сифатида ўзини намойён этди.

Давлатингиз раҳбарининг 1996 йил апрель ойида ЮНЕСКО Бош қароргоҳига ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлди. Қолаверса, 1998 йил 6-7 ноябрь кунлари ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг якуновчи мажлисида Тошкент шаҳри мезбонлик қилган. МДХ миқёсида биринчи марта ташкил этилган мазкур тадбирда "Жаҳон маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатлардаги

фаолияти" номли Тошкент декларацияси имзоланди.

ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси самарали фаолият юритаётганини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, у Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларни амалга ошираётди. Ушбу соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, таълим тизимининг яхлит маълумотлар базасини яратиб қилиш алоқалар натижалари ҳам эътиборга лойиқ. Бундан ташқари, Ўзбекистондаги бир қатор олий таълим муассасаларида ЮНЕСКО кафедралари фаолияти йўлга қўйилган.

Фан бўйича алоқалар ҳам мустаҳкамланиб бораётди. 1995 йил 5 июлда ЮНЕСКОнинг "Буюк Ипак йўли — мулоқот йўли" дастури асосида Самарқанд шаҳрида Марказий Осий тадқиқотлари халқаро институти очилгани, Урганч давлат университети ҳамда Бонн университети билан ҳамкорликда ер ва сув ресурсларидан оқилон фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган лойиҳа амалиётга таъбиқ этилгани бунинг тасдиғидир. Бундан ташқари, Самарқандда ҳар йили ёзи оромгоҳларда ёш олимларнинг кўёш энергияси бўйича ишланмалари кўргазмаси ўтказиб келинапти. Мактабларда табиий

фанлар бўйича таълим изчил ривожлантирилиб, Ўзбекистон Экологик Атласи ва Ўзбекистондаги булоқлар атласи чоп этилди. Экологик жиҳатдан хавфсиз технологиялар ишлаб чиқиш бўйича ҳам бир қанча лойиҳалар амалиётга жорий қилинмоқда.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар эътиборга лойиқ. Ўтган йили Президент Исло Каримов ташаббуси билан Тошкентда

Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз, Қарши, Тошкент, Марғилон синга-ри қадимий шаҳарларингиз, "Алпомиш", "Авесто" адабий ёдгорликлари, шунингдек, Хоразм Маъмур академиясининг юбилейлари ЮНЕСКО иштирокида кенг нишонланди.

Булар қаторида Президент Исло Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Шарқ тароналари" халқаро мусика фестивалини ҳам алоҳида айтган бўлардим. Ҳар икки йилда бир мартаба Самарқанднинг юраги — Регистон майдонида ўтказиладиган мазкур аjoyиб тадбир халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда. Унда дунёнинг деярли барча ҳудудларидан санъат намояндалари, мусикашунослар, кўшиқчилар, сайёҳлар қатнашади.

Жорий йилнинг август ойида бўлиб ўтган тўққизинчи халқаро фестивалнинг очилиш маросимида ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова қатнашди. Бу ҳам Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлиги нақадар мустаҳкам эканлигини англатади. У пойтахтингизда кад роллаган Успенский номидаги Республика иктисослаштирилган мусика академик лицейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ташриф буюриб, жойларда яратилган шарт-шароитлар, Ўзбекистонда таълим, фан ва маданият, маърифат, маънавият ривожини, билимлар жаҳиятини барпо этиш, ахборот очиллигини таъминлашга қаратилган ислохотлар муваффақиятларини эътироф этди.

— Ўзбекистон ва унинг халқи ҳақидаги таассуротларингизни ўртоқлашсангиз.

— Юртингиз кўна маданият ва цивилизация чорраҳасида жойлашган. Қадимий шаҳарларингиз ва қадриятларингиз кўна тарихингиз ҳақида сўзлаб турибди. Ўзбек халқи самимий ва меҳмондўстдир. Мамлакатингиз ана шу бой маданият, урф-одатлари ва анъаналарини келажак авлодга бекаму кўст етказиб беришга алоҳида эътибор қаратаётгани, бу йўлда муҳим чора-тадбирларни амалга ошираётгани муҳимдир.

Ўзбекистон ва ЮНЕСКО муносабатлари бундан кейин ҳам изчил ривожланиб боришига ишонаман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Санджон МАХСУМОВ.

## ЖАҲОН 24 соат ичида

АҚШнинг гарбий ва марказий ҳудудларида кузатилаётган кучли қор бўронлари қатор ноқулайликларни келтириб чиқармоқда.

## Эрта келган қиш синовлари



Жумладан, Калифорния, Аризона, Нью-Мексико, Оклахома, Техас, Арканзас, Луизиана штатларида ёғингарчилик микдори кўп бўлгани учун автомобиль йўлларида узундан-узқоқ тирбандликлар юзага келган, авиаҳалқатлар сони ортган. Айрим аҳоли пунктлари электр таъминотидан узилиб қолган. Об-ҳаводаги бундай кескин ўзгариш авиақатновлар жадвалига ҳам салбий таъсир қилди. Масалан, биргина Даллас аэропортида 300 дан зиёд рейс кечиктирилган. Маълумотларга қараганда, ҳозиргача 13 киши ҳаётдан кўз юмган.

Метеорологларнинг айтишича, совуқ ҳаво оқими энди Теннесси, Жоржия, Жанубий ва Шимолий Каролина штатлари томон ҳаракатланмоқда. Шундан сўнг у Фарбий Виржиния ҳудудига кириб боради.

## Мушкул вазиятга тушиб қолди

Франциянинг йирик транспорт компанияларидан бири — "Mory Ducros" банкротликка учраганини тасдиқлашни сўраб, судга мурожаат қилди.



"Le Monde" нашрининг ёзишича, компания ҳозирги кунда жуда оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолган. Хусусан, у сўнгги ҳисобот йилида қарий 80 миллион евро микдоридаги маблағни бой берган. Экспертларнинг фикрича, банкротлик ҳолати "Mory Ducros"га кредиторлардан вақтинча ҳимояланиш имконини беради. Бу пайтда компания мутасаддилари

муаммога ечим топишга уриниб кўрадилар. Айна пайтда "Mory Ducros"нинг шат жадвалида 5200 киши рўйхатда турибди. Улардан уч минг нафар иш жойидан айрилиш арафасида.

## Вулқон яна фаоллашди

Индонезиядаги Синабунг вулқони яна фаоллашди.



Манбага кўра, у ердан ажралиб чиқаётган қуюқ тутун ва кул беш минг метр баландликни забт этган. Маҳаллий ҳукумат вакиллари унинг таркибиде инсон саломатлигига хавф солувчи захарли моддалар бўлиши мумкинлигидан хавотирланмоқда. Шу боис Суматра ороли шимолида яшовчи ўн икки минг нафар одам эвакуация қилинган.

## Таъмирлаш вақтидаги фожиа

Ўтган ҳафтада Хитойнинг Циндао шаҳридаги нефть қувурларидан бирида портлаш рўй берган эди.



Ахборот агентликлари тарқатган сўнгги хабарларга кўра, воқеа оқибатида қурбон бўлганлар сони 55 кишига етган, 136 нафар одам жароҳатланган. Тўққиз киши эса бедарак йўқолган.

"қора олтин" сизиб чиққани сабаб бўлган.

## Жаҳон чемпиони ўзгарди

Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида шахмат бўйича мезбон спортчи Вишванатан Ананд ва норвегиялик Магнус Карлсен ўртасида жаҳон чемпионилиги учун ўтказилган баҳс европалик гроссмейстернинг галабаси билан якунланди.



Қоидага кўра, ўйин 12 партия қилиб белгиланган эди. Бироқ Карлсен мuddатидан аввал масалани ўз фойдасига ҳал этди. Яъни 6,5:3,5 ҳисобида муваффақият қозониб, жаҳон чемпионилигига эришди.

Магнус айна пайтда 2872 очко билан Халқаро шахмат федерацияси (FIDE) рейтингиде ҳам пешқадам бўлиб турибди. Ҳозиргача биринга шахматчи бунча кўп очко жамгармаган экан.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТАДБИР

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Тадбиркор аёл" ишбилармон аёллар уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ва "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки ҳамкорлигида "Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси" танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

# Имтиёз ва рағбат

хотин-қизлар ташаббусларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлмоқда

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда "Обод турмуш йили" Давлат дастурида оилавий бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар тадбиркорлигини кўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодий фаолиятини самарали йўлга қўйишига кўмаклашиш борасида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросига жойларда алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани қайд этилди. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий фаолиги ва бандлигини ошириш, уларга уй-рўзгор юмушларини енгиллаштиришда қулай ижтимоий-маиший шароит яратиш, пировардида оилалар фаровонлигини таъминлашга қаратилган кўплаб лойиҳаларнинг ҳаётга самарали таъбиқ этилаётгани диққатга сазовор. Бу, шубҳасиз, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган аёлларнинг иқтисодий билимларини ошириш, уларнинг ташаббусларини кўллаб-қувватлаш ҳамда муносиб рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўз навбатида, тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда аёлларнинг юртимиз тараққиётидаги улуши, оиладаги мавқеи,

жамиятдаги нуфузи тобора ошиб бораётганини таъкидлашди. Албатта, бунда тадбиркор аёлларга ажратилаётган имтиёзлик кредитлар муҳим омил бўлаётди. Хусусан, "Микрокредитбанк" ОАТБ кўмагида амалга оширилаётган "Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш лойиҳаси" натижасида 350 нафар аёлга 708 млн. сўмлик кредит ажратилди.

Танловда андижонлик Одинахон Саидованинг геология фани бўйича яратган, Қорақалпоғистон Республикаси вакили Нурпошва Матниёзованинг гулчиликни ривожлантиришга оид лойиҳалари "Қишлоқ жойларига мўлжалланган энг яхши лойиҳа" сифатида эътироф этилди. Тошкент шаҳридан Разно Ортиқованинг тўй ва бошқа маросимларни миллий қадрият ҳамда анъаналаримизга мос тарзда, ихчам ва ортиқча дабдабасиз ўтказишга оид лойиҳаси "Сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа" деб топилди. Шунингдек, тошкентлик Муслима Уринбоеванинг миллий кўйроқлар яратишга доир лойиҳаси "Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа" йўналиши бўйича ғолиб бўлди.

Танловда ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонава сўзга чиқди.

Зиёда АШУРОВА.

Эълонлар



## «Тошкент труба заводи» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларга тақдим этади.

**Мисланган пайвандлаш сими**  
СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70,  
Ø 0,8, 1,0, 1,2, 1,4, 1,6, 2,1, 2,5, 3,5, 4,0, 5,0,  
баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб.



**Тўқиладиган ва мих ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сим,**  
Ø 0,8, 1,0, 1,2, 1,4, 1,6, 2,1, 2,5, 3,5, 4,0, 5,0,  
баҳоси 1 тонна учун 3 300 000 сўмдан бошлаб.




**Конструкцияда фойдаланиладиган профиллар, ўлчамлари:** 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20 ҳажмли, девор қалинлиги 2.0-4.0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.



(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган) МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

## САНОАТ КОРХОНАСИ



**4 — 6-разрядли электромонтажчиларни, 4 — 6-разрядли ускуналар монтажчи-созловчисини**

**ДОИМИЙ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.**

**● Иш ҳақи — 2 млн. сўм.**

**● Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади. Иш ҳақи тўловлари ўз вақтида амалга оширилади.**

**Мурожаат учун телефонлар: (+99893) 172-44-07, (+99890) 982-56-40, (+99890) 352-36-05, (+99890) 167-17-58.**

# Ёшлар тарбияси ва тарғибот

Ўзбек Миллий академик драма театрида "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

## 2013 йил – ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ



Ёшлар тарбияси ва тарғибот бўлими раҳбари ШАМСУДИНОВ (ўса) олган сурат.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу тадбирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари ҳамда ёшлар таклиф этилди.

Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳар йили "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" республика кўрик-танлови ўтказиш аънавага айланган. Бинобарин, иштирокчилар сафининг йилдан-йилга кенгайиб бораётгани ҳам ушбу танловнинг нуфузи тобора ортаётганидан далолатдир.

Эътироф этиш кераки, ёшларни замонавий билим ва тафаккурга эга, юксак маънавиятли инсонлар қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилган тизимли ишлар ижобий самарасини бермоқда. Бу, айниқса, маънавий-маърифий соҳаларда янгилинишларда яққол кўзга ташланаётган. Таълим тизимига "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" ўқув фани ҳамда "Маънавият соатлари" жорий этилгани

ёшларнинг жамиятимизда рўй бераётган юксак ўзгаришлардан хабардорлигини ошириш, уларни соғлом ва мустақил фикрли шахслар этиб вояга етказишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Танловдан кўзланган асосий мақсад, маънавий-маърифий тарғибот соҳаси мутахассислари фаолиятини атрофича ўрганиш, таҳлил этиш, бу борадаги илгор иш тажрибаларини оммалаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" республика кўрик-танлови ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган кўплаб фидойиларни кўллаб-қувватлаш, рағ-

батлантиришга хизмат қилмоқда.

Танлов жараёнида тарғиботчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиши, уларни иш жараёнига унумли татбиқ эти олиши, ёшлар аудиторияси билан ишлаш маҳорати ҳамда "оммавий маданият"нинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш олишга доир иш услубига асосий эътибор қаратилди.

— Ёшлар тарбияси, уларнинг қамоли учун ҳар биримиз масъулмиз, — дейди Навоий вилояти, Кармана тумани халқ таълими мусассалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг маънавий-ахлоқий масалалар бўйича шуъба мутахассиси Гулзода Жаббарова. — Негаки, бугунги глобаллашув даврида турли ахборот хуржурларига нисбатан ёшларда маънавий иммунитетни шакллантиришда маънавиятчилар зиммасига катта масъулият юклатилган. Демак, биз бугун ҳар қачонгидан да хушёр, огоҳ бўлишимиз шарт.

Тадбир якунида "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" республика кўрик-танловининг турли йўналишлар бўйича ғолиби ва совриндорларига мукофотлар топширилди.

Гўзал РАҲМОНОВА.

Эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Рашид Курбонов Озарбайжоннинг Боку шаҳрида ташкил этилган Гран-при турнирида олтин медални кўлга киритди.



Муваффақиятга бой йил

Етмиш тўрт килограммгача бўлган полвонлар баҳсида иштирок этган спортчимиз ҳал қилувчи баҳсда россиялик Гаджи Гаджиевни мағлубиятга учратди. Эътиборлиси, Рашид ўтган йили ҳам мазкур турнирда ғолибликка эришганди. Умуман олганда, 2013 йил Рашид Курбонов учун муваффақиятларга бой бўлмоқда. Полвонимиз жорий йилда жaxon чемпионатининг бронза, қитъа биринчилигининг эса олтин медалига сазовор бўлди.



Қозғоғистонда Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан хотин-қизлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ўзбекистонлик теннисчилар ғолибликка эришишди.

# Спорт

## Дзюдочиларимиз совриндорлар сафида

Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган Гран-при туркумидаги халқаро турнирда терма жамоамизнинг беш нафар аъзоси совриндорлар сафидан жой олди.

Мусобақада қирққа яқин давлатдан қарийб уч юз нафар спортчи қатнашди. Ватанимиз шарафини ўн икки нафар полвонимиз ҳимоя қилди.

Қизиқарли кечган беллашувлар якунида ҳамюртларимиздан Шарофиддин Лутфуллаев кумуш, Мирали Шарипов, Яхё Имомов, Соиб Курбонов ва Болтабой Болтаев бронза медаллари билан тақдирланди.

## Баҳслар қизғин ва мурасиз кечди

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида таъқвоннинг WTF йўналиши бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлиб ўтди.

Унда 200 нафардан зиёд спортчи кураш олиб борди.

Хотин-қизлар ўртасида саккиз вазн тоифасида кечган "Кёруги" — яккама-якка беллашувларда Малика Комилова, Нигина Ражабова, Гўзал Нурбобоева, Дилдора Элиева, Зария Қосимова, Умида Абдуллаева, Шахло Ҳақимова, Бахитли Сердалиева ғолибликка эришишди.

Эркаклар ўртасидаги баҳслар якунида эса Феруз Аҳмадов, Сарвар Шералиев, Абуакар Расулов, Владислав Хан, Никита Рафалович, Максим Рафалович, Жасур Бойқўзиёв ва Дмитрий Шокинга тенг келадиған рақиб топилмади.

"Пумсе" — комплекс маъқ баҳаришда Мавлон Рустамов, Баҳодир Аълохонов, Александр Ли, Умнаткул Жўраев, Борис Ким ўз ёш тоифаларида биринчи ўринни кўлга киритишди.

Жуфтликларда эса Олимжон Аутов/Дилафрўз Тожиалиева, Жонибек Норматов/Ферузобону Ҳасанова, Борис Ким/Ларя Пак каби тандемлар ғолибликка эришишди.

Жамоавий беллашувларда Оллоёр Абдумавлонов, Фаёзбек Фаниев, Бехзод Жўрабоев, Мафтуна Тилибова, Нодирaxon Шермухаммедова, Марина Ким ва Машраб Бозорбоев, Баҳодир Аълохонов, Зафарбек Саттаровдан иборат учликлар олтин медаль билан тақдирланди.

## Икки йўналишда ҳам тенгсиз

Жумладан, мусобақанинг яққалик беллашувларида ҳамюртимиз Сабина Шарипова яна бир вақтимиз Альбина Хабибулина, россиялик теннисчилар — Екатерина Третьяк, Софья Салимова, Иванка Карамалак ва Алёна Тарасовани мағлубиятга учратиб, бош совринга сазовор бўлди.

Жуфтликлар ўртасида эса юртдошимиз Альбина Хабибулина словачиялик Чантал Скамова билан бирга финалда Асия Дайир/Иванка Карамалак (Қозғоғистон/Россия)дан устун келиб, мусобақа ғолибига айланди.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

## Даромад манбаи

Телов — Оҳангарон туманининг энг чека қишлоқларидан бири. Бу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли учун туман марказидаги корхона ва ташкилотларга қатнаб ишлаш бирмунча ноқулай. Шу боис касаначилик, оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик қишлоқ аҳолининг асосий даромад манбаига айланган.

Қишлоқ хунармандларидан бири Зебо Турмонова ҳам яқинда ўзининг оилавий корхонасини очишга муваффақ бўлди. Ҳозир бу ерда аънаванавий куллик асосида турли чинни буюмлар тайёрланмоқда. Бу ишда тадбиркорга фарзандлари

ҳамда ўнга яқин шогирдлари муҳофаза қилиш маркази бош мутахассиси Чарос Ҳасанова. — Унинг 600 га яқин айнан уй меҳнатининг барча шаклини ривожлантириш ҳисобидандир.

— Умуман, туманимизда жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 3 минг 650 га яқин иш жойлари ташкил этилди, — дейди туман бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ФЕСТИВАЛЬ

Самарқанд шаҳрида Республика кўғирчоқ театрларининг IX аънаванавий кўрик-фестивали бўлиб ўтди.

## Кўғирчоқ театрлари намоиши

Болалар дунёқарашининг шаклланишида театр санъати, унинг узвий қисми бўлган кўғирчоқ театрларининг ўрни беқиёс. Табиийки, кўғирчоқлар орқали ифодаланган тасвирлар болаларнинг онгу шуурига тез таъсир этиб, уларнинг яхшилик ва ёмонликни ажрата билишларида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Тўрт кун мобайнида мактаб ўқувчилари, ижтимоий муассасалар тарбияланувчилари бири-биридан сермазмун томошаларга гувоҳ бўлдилар.

## Электрон дарслик

Деҳқонobod туманидаги 68-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Норали Максимов бир қатор фанлар учун мўлжалланган электрон дарслик яратди.

## ИЗЛАНИШ

Ўқувчиларга таълим беришда кўрғазмали воситалар ва аудиоёзувлардан фойдаланиш ўқитиш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди. Дарс машғулотларида фойдаланиладиган электрон дарслик ана шундай изланишлар самарасидир.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Реклама ва эълонлар

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2012 йил 11 сентябрдаги 30179/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Арслонбоб кўчаси, 8-уйда жойлашган, бир ва икки қаватли, ертўлали иккита бино — Блок 1 ва Блок 2.
2. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2010 йил 23 апрелдаги 2723-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Лашкарлар кўчаси, 6-уйдаги 11-хонадон.

**Бошланғич баҳоси — 98 764 000 сўм.**  
Аукцион савдоси 2013 йил 11 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

**Бошланғич баҳоси — 98 764 000 сўм.**  
Аукцион савдоси 2013 йил 26 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ОАТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО: 011103, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган кўчмас мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент ш., Юнусобод тумани, 17-қават, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8-371) 212-89-55.

Лицензия: RR-0052.

**«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧМОҚДА!**

**TOŠKENT – VOLGOGRAD – TOŠKENT**  
ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари

**УРГАНЧ – VOLGOGRAD – УРГАНЧ**  
ҳар ҳафтанинг шанба кунлари

Сертификат № СЭ1-О

**+99871 140-02-00**  
www.uzairways.com

**«Ўзбекистон ҳаво йўллари» — хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!**

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 75 516 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.  
Набатчи — З. Худойшукуров.  
Мусахҳач — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.35 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.  
Набатчи — З. Худойшукуров.  
Мусахҳач — С. Исломов.